БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 16 (1536) | 23 январь, шанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

1960 йилда Ўзбекистон ССРда сабзавот-полиз экинлари ва картошка етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таъкидлайдиларки, область ва районларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорини амалга ошириб 1959 йилда сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти ва картошка етиштиришни ҳамда бу маҳсулотларни республика шаҳарлари ва саноат марказлари аҳолисига сотишни бир мунча кўпайтиришга эришдилар.

Колхоз ва совхозларда сабзавот-полиз ва картошка экинлари майдони 1958 йилдагига нисбатан 17724 гектар кенгайди, сабзавот ялпи ҳосили 1958 йилдаги 167,1 минг тонна ўрнига 404 минг тонна ҳамда картошка ялпи ҳосили 1958 йилдаги 113,6 минг тонна ўрнига 204 минг тонна бўлди.

Кўпгина колхозлар ҳосилдорликни кескин оширишга муваффақ бўлдилар. Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз ҳар гектар экин майдонидан 236 центнер картошка, 244 центнер сабзи, 310 центнер помидор, 427 центнер карам ва 335 центнер бодринг олди.

Оржоникидзе районидаги Свердлов номли, Ленин номли, Самарқанд районидаги Ленин номли, Киров номли, Наманган районидаги Тельман номли ва бошқа колхозлар ҳам сабзавот-полиз экинларидан ва картошкадан юқори ҳосил олдилар.

Янгидан ташкил қилинган «Тошкент», «Партия XXI съезди», «Сўх» ва бошқа сабзавот совхозларида техникадан ва бошқа моддий воситалардан тўлиқроқ фойдаланиш натижасида ҳосилдорлик анча ошди, қўл меҳнати сарфлаш қисқарди ва сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти ҳамда картошканинг таннархи камайди.

Совхозлар ва колхозлар 1959 йилда сабзавот экинлари ва картошкани квадрат-уялаб экиш усулини кенг қўлландилар.

Сабзавот-полиз маҳсулоти ва картошка етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги ишлар бир мунча яхшиланган бўлса ҳам, бу муҳим ишда ҳали жиддий камчиликлар бор.

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, район ижроия комитетлари, маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштиришни кескин кўпайтириш ишида колхоз ва совхозларга берилган моддий техника ёрдамидан керагича фойдаланмадилар. Аҳолининг эҳтиёжларини қондиришда масъулиятсизликка йўл қўйилганлиги натижасида Бухоро областида сабзавот етиштириш мажбурияти 60 процент ва картошка етиштириш мажбурияти бор-йўғи 15 процент, Сурхондарё областида сабзавот етиштириш мажбурияти 48 процент ва картошка етиштириш мажбурияти 26 процент; Хоразм областида сабзавот етиштириш мажбурияти 45 процент ва картошка етиштириш мажбурияти 57 процент бажарилди, холос.

Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, шаҳар атроф районларидаги район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари маҳсулот етиштириш планининг бажарилишини таъминламадилар, бунинг оқибатида 54 минг тонна сабзавот, 13 минг тонна картошка ва 14 минг тонна полиз маҳсулоти кам олинди.

Самарқанд, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг колхоз ва совхозлари сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш планини қониқарсиз бажардилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳисоблайдиларки, республикадаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхозларнинг жуда катта резервлари ва имкониятларидан сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш учун ҳали ҳам тўлиқ фойдаланаётганлари йўқ. Сабзавот экувчи колхоз ва совхозларнинг кўпчилигида ердан ҳамда йилига икки марта, айрим экинларни эса уч марта экиб, ҳосил олиш имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Кўпгина колхоз ва совхозлар мактабгўхори, оқжўхори, беда ва бошқа хашаки экинлардан йўл қўйиб бўлмас даражада кам ҳосил олиб келаётганликлари орқасида ана шу хўжаликларнинг кўпчилигида хашаки экинларнинг салмоғи 50 процентга боради ва бундан ҳам ортади, ҳолбуки, хашаки экинлардан юқори ҳосил олинган тақдирда бу экинларнинг салмоғини 30—35 процентгача келтириш, сабзавот, картошка ва полиз экинларининг салмоғини эса 66—70 процентгача етказиш мумкин бўлур эди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, сабзавот экувчи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехника қоидаларига қаттиқ риоя қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишларини ўтказишда интизомни мустаҳкамлаш учун қатъият билан кураш олиб бормоқдалар. Экинларни етиштиришнинг прогрессив усуллари: тувакчаларда кўчатлар етиштириш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш, комплекс механизацияни жорий қилиш ва аввало экинларни квадрат-уялаб жойлаштириб, узунасига-кўндаланга икки томонлама ишлаш усуллари жуда суст жорий этилмоқда, бунинг натижасида умуман республика бўйича сабзавот, картошка ва полиз экинларининг ўртача ҳосилдорлиги илғор хўжаликлар эришган даражадан икки-уч баравар паст, бир центнер маҳсулотнинг таннархи ҳаддан ташқари юқори бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳисоблайдиларки, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Савдо министрлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва «Ўзбекбирлашув» правлениеси Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 1 апрелдаги қарорининг сабзавотхоналар, картошкахоналар, қовунхоналар ва тузлаш ўралари қуришга тааллуқли қисмини тўлиқ бажармадилар, оқибатда Тошкент шаҳрининг ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси қиш-баҳор фаслларида сабзавот ва картошка билан ҳамон етарли миқдорда таъминланмаган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сабзавот-полиз маҳсулотлари ва картошка етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида **қарор қилдилар:**

1. Областларнинг 1960 йилда республикадаги хўжаликларнинг ҳамма категориялари томонидан 610 минг тоннага етказиб, ёки 1959 йилдагидан 206 минг тонна кўп сабзавот; 360 минг тоннага етказиб, ёки 1959 йилдагидан 156 минг тонна кўп картошка, ҳамда 600 минг тоннага етказиб полиз маҳсулотлари етиштириш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин; шу жумладан областлар бўйича:

	Сабзавот	Картошка	Полиз маҳсулоти
Тошкент	215	150	160
Фарғона	75	35	65
Наманган	45	28	40
Андижон	60	20	62
Самарқанд	85	60	80
Бухоро	32	14	43
Қашқадарё	37	9	40
Сурхондарё	29	14	40
Хоразм	15	10	32
Қорақалпоғистон АССР	17	20	38
Жами:	610	360	600

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка ҳосилдорлигини бутун чоралар билан ошириш Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларининг, колхоз ва совхоз раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ҳисоблансин.

1960 йилда ҳар гектардан олинадиган ўртача ҳосилдорлик сабзавот бўйича камида 180—200 центнерга, картошка бўйича 150—170 центнерга, полиз экинлари бўйича — 200—250 центнерга етказилсин.

2. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари:

а) сабзавот етиштириш учун ердан тўғри фойдаланишлар, экин майдонлари структурасида сабзавот, картошка экинлари салмоғини кўпайтириб, уни камида 65—70 процентга етказишлар, сабзавот, картошка ва полиз экинларидан 2—3 марта ҳосил олиш, шунингдек экинларни аралаштириб экиш учун суғориладиган хўжалик имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлар;

б) меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини жорий этишлар, 100—120 гектар экин майдонига эга бўлган ҳамда ишларни максимал даражада механизациялашни ва ишчи кучларидан тўғри фойдаланишни таъминлайдиган тегишли экинлар экувчи комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадалари ташкил қилишлар;

в) картошка, сабзавот ва хашаки экинларни квадратлаб ва квадрат-уялаб жойлаштириш ҳамда бу экинларни механизмлар билан икки томонлама ишлаш усулини кенг жорий қилишлар.

Хўжалик ҳисоби жорий қилинсин, бу метод сабзавот, картошка ва полиз экинларининг ҳосилдорлигини оширишда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини оширади;

г) етиштирилаётган маҳсулотни мавсумлар бўйича истеъмол қилиш учун аҳолига ва консерва саноатига тўғрироқ тақсимлаб бериб туришни мўлжалга олиб, эртаги, ўртаги ва кечки сабзавот, эртаги ва кечки картошка ҳамда полиз маҳсулотларининг бир меъёрда тушиб туришини таъминласинлар.

4. Яқин 2—3 йил ичида Оржоникидзе ва Самарқанд районларини сабзавот-полиз экинлари, картошка, шунингдек мева ва узум етиштирадиган қилиб ихтисослаштириш зарур деб топилсин.

Термиз, Қарши, Бухоро, Урганч, Янгийўл, Бекобод, Янгиер шаҳарларининг ҳамда ишчи посёлкаларининг аҳолисини сабзавот ва картошка билан тўла таъминлаш учун 1960 йилда биттадан колхоз ёки совхоз ана шу экинларни етиштирадиган қилиб ихтисослаштирилсин.

5. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг эътиборини уруғлик материални тўғри танлаш ва бу материалнинг сифатли бўлиши ҳосилдорликни оширишда бениҳоя катта аҳамиятга эга эканлигига тортадилар ҳамда 1960—1961 йиллар мобайнида барча колхоз ва совхозлар асосан ўз хўжаликларидаги сермаҳсул участкаларда уруғлик материал тайёрлаш ҳисобига сабзавот-полиз экинлари ва картошканинг фақат районлаштирилган сортларини экадиган бўлишларига эришиш мажбуриятини юклайдилар. Ҳозирги вақтда ишлаб турган сабзавот уруғчилиги хўжаликларининг ихтисослашувини бузишга йўл қўйилмасин.

6. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига Тошкент шаҳар атрофи районлари зонасидаги ва областдаги ёрдамчи ва бошқа хўжаликлар негизида сабзавот-сутчилик совхозлари ташкил этиш ҳақидаги таклифни Тошкент шаҳар ижроия комитети билан бирликда бир ой муддат ичида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

7. Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» правлениеси, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Тошкент Совхозлар трести ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 1 апредлаги қарорида кўзда тутилган сабзавотхоналар, картошкахоналар ва тузлаш ўралари қурилишини ҳамда 1959 йил плани бўйича кўзда тутилган, аммо тамомланмай қолган қурилишни бу йил тугаллашни таъминласинлар.

Ўзбекистон ССР Госплани ана шу қурилишнинг моддий техника таъминотига доир масалаларни министрликлар ва бошқармаларнинг раҳбарлари билан биргаликда қараб чиқсин ва ҳал этсин.

8. «Ўзгипросельхозпроект»га газда ишитиладиган, иссиқлик чиқитларида ва иссиқ сув манбаларида ишитиладиган янги теплица ҳамда парниклар қуриш ва мавжуд теплица ва парникларни қайта жиҳозлаш лойиҳаларини бир ой муддат ичида тайёрлаб бериш вазифаси топширилсин.

9. «Ўзбекбирлашув» 1960 йилда республикадаги сабзавот экувчи колхозлар учун маълум миқдарда ёғоч-тахта, цемент, шифер ва бошқа бинокорлик метариаллари келтириб сотсин.

Колхозларга сотиш учун ўзининг тара заводларида бочка идишлар ва яшчик идишлар тайёрласин.

10. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Тошкент шаҳар ижроия комитети сабзавот-полиз маҳсулотлари сотишни кескин яхшилаш, намунали магазинлар, палаткалар ва дўконлар қуриш, айрим хўжаликларни магазинларга биркитиб қўйиш, музхоналар, омборлар ва қайта ишлаш пунктлари ташкил этиш тадбирларини бир ой муддат ичида ишлаб чиқсинлар ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети муҳокамасига тақдим этсинлар.

11. Область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, район ижроия комитетлари, район партия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область қишлоқ хўжалик бошқармалари, совхозлар трестлари, совхоз директорлари, колхоз раислари, бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, совхозлардаги ишчилар комитетларининг раислари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларини муҳокама қилиш вақтида ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мазкур қарори асосида аҳолининг сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларига бўлган талабларини етарли миқдорда қондириш учун ҳар бир хўжаликда сабзавотчиликни юксалтириш, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан конкрет план ишлаб чиқсинлар.

Пленум қарорлари— кенг оммага

Бутун совет халқи каби областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар ва мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳозирги қуннинг муайян амалий вазифаларини бажаришга астойдил бел боғлаб киришдилар.

Пленумнинг тарихий аҳамияти шундаки, у қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада тезроқ ривожлантиришнинг оқилона тадбирларини белгилаб берди, ишчилар, колхозчилар ҳамда интеллигенциямизнинг меҳнат ва сиёсий активлигини мисли кўрилмаган даражада юксалтириб юборди, етти йилликнинг дастлабки йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун кенг авж олдирилган умумхалқ социалистик мусобақасини янги юксак босқичга кўтарди.

Пленум қарорларидан руҳланган республикамиз, шу жумладан областимиз колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, мутахассислари, барча қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари 1960 йил учун ўз зиммаларига оширилган янги мажбуриятлар олдилар.

Яқинда бўлиб ўтган республика партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари ҳақидаги масала кенг муҳокама қилинди, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришнинг конкрет тадбирлари белгиланди, бунинг учун реал имкониятлар, катта резервлар борлиги кўрсатилди.

Яқинда газеталарда Ўзбекистон ССР колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, мутахассислари, барча қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ходимларининг 1960 йил учун олган Мажбуриятлари эълон қилинди. Бу Мажбуриятларда областимиз қишлоқ хўжалик ходимлари олдида турган конкрет вазифалар ҳам белгиланган. Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил мамлакатга **475 минг тонна «оқ олтин» топшириш, механизаторларимиз камида 140 минг тонна пахтани машиналарда терб бериш, давлатга 30 минг тонна гўшт, 50 минг тонна сут сотиш, сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни анча кўпайтиришга аҳд қилдилар.**

Областимиздаги кўпгина колхоз, совхозлар, мамлакатдаги илғор хўжаликларнинг ватанпарварлик ташаббусига эргашиб, чорвачилик ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Жумладан Оржоникидзе районидаги Свердлов номли колхоз, Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз, юзлаб илғор чўпонлар, сут соғувчилар, чўчқа ва парранда боқувчилар ажойиб ташаббус кўрсатдилар.

Буларнинг ҳаммаси областимиз партия ташкилоти, пахтакорлари, чорвадорлари ва барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қўйган катта вазифаларни чуқур тушуниб олганликларидан далолат беради. Областимиз колхоз ва совхозлари механизаторларининг бўлиб ўтган Слетлари илғор механизаторлар пахта чиликни комплекс механизация лашга, пахта ҳосилдорлигини кескин оширишга қатъий аҳд қилганликларини кўрсатди.

Ҳақиқатан ҳам вазифаларимиз катта, мажбуриятларимиз юксак. Областимиз олдида турган ана шу катта ва мураккаб хўжалик-сиёсий вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан омма орасида олиб бориладиган ташкилий ва сиёсий ишларнинг савиясига боғлиқдир. Шундай экан партия ташкилотларининг ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифаси — ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни янги вазифалар даражасига кўтаришдан, қишлоқ хўжалигидаги барча меҳнаткашларнинг юксак ижодий активлигига моҳирлиқ билан бошчилик қилишдан, уларнинг кучғайратларини олинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга сафарбар этишдан иборат.

Областимиздаги партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, ҳаётни яхшироқ ўрганадиган, ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан чуқурроқ шуғулланадиган, омма билан бамаслаҳат иш олиб борадиган бўлиб қолдилар. Бироқ партия ташкилотларининг ҳамма-сида ҳам асосий эътибор омма орасида олиб бориладиган жонли ташкилотчилик ишларига қаратилган деб бўлмайди. Ўтган йили Ўрта Чирчиқ райони, областимиздаги 30 дан ортиқ колхоз ва 5 совхоз мажбуриятлари уёқда турсин, давлатга пахта сотиш планини ҳам бажармадилар. Бунинг сабаби даставвал меҳнаткашлар ўртасида олиб бориладиган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар савиясининг пастлиги ва айрим партия ташкилотлари бу ишларнинг моҳиятига етарли баҳо бермаганликларидадир.

Коммунистик қурилишнинг янги мураккаб вазифаларини оммани ташкил этиш соҳасида жанговар иш олиб бормасдан туриб муваффақиятли бажариш мумкин эмас. Партиямиз таълим бериб айтганидек ўзибўларчилик билан узоққа бориб бўлмайди. Шунинг учун ҳам оммани ҳаракатга келтириш, унинг ижодий ташаббусига бошчилик қилиб, меҳнаткашларни олинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга тўла сафарбар этиш партия ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Етти йилликни муддатидан олдин бажариш учун бошланган умумхалқ ҳаракати кенг қулоч отиб кетди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова, Ғанишер Юнусов, Валентин Тюпко ва колхоз қишлоғининг бошқа илғор кишилари боқилаб берган ажойиб ватанпарварлик ташаббуси ҳамма ерда якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Бу мўъжизакор ҳаракатни кенг оммалаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда битмас-туганмас резервлардан фойдаланиш учун курашга оммани сафарбар этиш партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

КПСС Марказий Комитети партия пропагандасининг ҳозирги шароитдаги вазифалари ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарор меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги барча ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширади. Партия ташкилотлари декабрь Пленуми қарорлари ва материалларини пропаганда қилишни кенг йўлга қўйишлари, пропаганда ишини қаёт билан ҳозирги қунинг вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб боришлари лозим.

Шунга эришмоқ керакки, барча ташкилий ва оммавий ишлар олинган янги мажбуриятларимизни муваффақиятли бажаришга қаратилсин, ҳар бир меҳнаткаш Пленум ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифаларни равшан тасаввур қиладиган бўлсин. Ана шундагина муваффақиятларимиз кўп ва мустаҳкам бўлади.

ФАНИМИЗНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

☆ ☆

Ракета тушган жойда

Бутун дунёнинг диққат-эътибори совет баллистик ракетаси тушган жойга, яъни Тинч океаннинг марказий саҳро қисмидаги кичкина тўғри бурчакли тўрт бурчакка қаратилган.

Пигирманчи январь ярим кечада синаб кўрилаётган ракета серияларидан биридаги сўнгги босқичнинг макети мўлжалга аниқ бориб тушди.

Ракета тушган район қандай жой?

Биз бу савол билан кеча СССР Денгиз флоти министрлигида бўлиб, узоқ сафарлар капитани Е. А. Микулинскийга мурожаат қилдик. У жавоб ўрнига махсус штурман столи устига йирик масштабли картани ёзиб қўйди-да, тўқ қизил муқовали қалин китоб — «Тинч океан шимолий қисмининг лоцияси»ни очди.

Капитан учун денгиз карталари бўйлаб «саёҳат» қилиш қийин эмас, чунки унинг ўзи дунёнинг ҳамма денгизларида кемаларни бошқарган, Тинч океанни бир неча бор кесиб ўтган.

— Мана кўриб турибсизки, картада белгиланган тўғри бурчакли тўртбурчак жуда кичкина, бор-йўғи 264x162 миля келадиган майдондан иборат. Демак унинг умумий майдони 42 минг квадрат милядан ошмайди. Ана шу тўртбурчакда кўрсатилган жойнинг океан сатҳига ракетамиз тушди. Нақадар аниқ мўлжал!

Бу нуқта совет қирғоғининг энг яқин участкаси — Владивостокдан 3 минг 600 миля ва Камчатканинг жанубий этакларидаги Лопатка бурунидан 2 минг 976 миля масофада жойлашган. Гонолулудан ўтадиган халқаро денгиз савдо йўллари, мунтазам ҳаво трассалари ва кўпинча балиқ овланадиган зоналар ракета тушган жойдан 1000 милядан ортиқроқ масофададир.

— Ракета тушган жойга энг яқин жойда қандай ороллар бор? Уларда нималар мавжуд ва кимлар яшайди?

— Ракета тушган жойдан шарқ томон 270 миля масофада Пальмира ороли, кичикроқ саёзлик ва Кингман рифи бор. Пальмира мазкур райондаги бошқа ороллар сингари коралл атолласига олиб ўтувчи қуруқликдир. Оролнинг энг баланд жойи денгиз сатҳидан 1,8 метр кўтарилган. Орол устида 30 метрлик кокс хурмолари ва бошқа тропик ўсимликлар ўсиб ётибди. Бу ерда АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг радиостанцияси жойлашган.

Мазкур оролга энг яқин бўлган Жонистон, Хауленд ва Бейкер сингари ороллар ҳам физик — географик жиҳатдан Пальмирага ўхшашдир. Булар ракета сўнгги босқичнинг макети тушган жойдан 400—550 миля масофададир.

Картада белгиланган тўғри бурчакли тўртбурчакнинг шимоли-ғарбида Меншиков аттолласи, Кузенштерн рифи ва Лисянский ороли жойлашган. Бу номлар мазкур қуруқликларни биринчи бўлиб очган сайёҳлар хотирасига қўйилган.

Совет баллистик ракетаси тушган район қадимдан рус денгизчи ва олимларига маълум эди.

О. СТРОГАНОВ.

«Известия», 22 январь 1960 йил.

Янги муваффақиятлар тилаймиз

Кўп босқичли кучли совет баллистик ракетасининг муваффақиятли учирилганлиги барча совет қишилари каби корхонамиз коллективини ҳам қувонтириб юборди. Мамлакатимизда Ернинг оғир йўлдошларини учириш ва Қуёш системасидаги планеталарга космик учишларни амалга ошириш учун янада кучлироқ баллистик ракеталарнинг учирила бошлаганлиги фан ва техникамизнинг ниҳоятда ривожланганлигини кўрсатадиган янги далилдир.

Олимларимизнинг бу соҳадаги ажойиб ишлари бутун дунё халқларини қойил қолдирмоқда. Совет фани ва техникасининг космик фазони ўзлаштириш ва қуёш системасидаги планеталарни ўрганиш йўлида олиб бораётган эксперментал ишларининг муваффақиятли ўтишига заводимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ўз самимий истакларини билдирадилар.

Зокир ХАЛИЛОВ,

Тошкентдаги Ильич номли завод механика цехининг слесари.

Тинчлик ракеталари парвоз қила берсин

Жаҳонда энг илғор совет фани ва техникаси яна бир катта ғалабани қўлга киритди. Олимларимиз, инженер-техник ходимлар ва ишчиларимизнинг ақл-идроки ҳамда меҳнати билан яратилган яна бир тинчлик ракетаси муваффақиятли учирилди. У 12,5 минг километр баландликдаги мўлжалга тўғри бориб етди.

Бундай хушхабар қайси бир совет кишисини қувонтирмайди, дейсиз. Ракетанинг учирилиши совет халқи қудратининг тез суръатлар билан мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатувчи янги далилдир. Биз ракеталарни бошқа мамлакатлар халқларини қўрқитиш, уларнинг юрагига гулғула солиш учун учираётганимиз йўқ. Бизнинг ракетамиз тинчлик ракетасидир.

О. ЛЕВАК,

«Узбекхиммаш» заводи касаба союз комитети раисининг ўринбосари.

Қувонч устига қувонч

Космик фазони ўзлаштириш ва Қуёш системасидаги планеталарни ўрганиш йўлида яна бир катта қадам ташланганлиги, яъни кўп босқичли совет космик ракетасининг учирилганлиги ҳақидаги ТАСС ахборотини эшитар эканмиз, совет фанининг оламшумул ғалабаларидан фахрланиш хислари билан тўлган қалбимиз яна ҳам қувончларга тўлди. Қувонмай ҳам бўладими, ахир!

Бу факт дунёда тинчлик учун, совуқ муносабатлар музини эритиш учун, ёппасига қуролсизланиш учун изчиллик билан мардона кураш олиб бораётган совет ҳукуматининг қудрати нақадар буюк эканлигини яна бир бор таъкидлади.

А. ҲАКИМОВ,

Тошкент тўқимачилик институтининг студенти,

М. ХОЛМУҲАМЕДОВ,

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг студенти.

Ўзбекистонда трактор қисмларини йиғиш заводи ишга туширилди

Ўзбекистондаги трактор қисмлари йиғиш заводининг коллективи ажойиб кунларни кечирмоқда. Янги корхонанинг бош конвейеридан ДТ-24—ЗВ маркали дастлабки чопиқ тракторлари чиқарилди. Бу тракторлар пахта майдонларида ишлаш учун мўлжаллангандир. Тракторларда телескопик орқа мостлар ўрнатилган, бу эса орқа ғилдиракларнинг ўқлари ўртасидаги оралиқни тўғрилаб туриш имкониятини беради. Тракторларда бундай қисмларнинг бўлиши улардан қатор оралари турлича бўлган пахта майдонларида фойдаланиш имконини беради.

Айни бир вақтда заводда янги ускунани монтаж қилиш давом эттирилмоқда. Жумладан, машиналарни бўяш ва қуритиш учун конвейерни ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон трактор қисмлари йиғиш заводи қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ихтисослаштириш юзасидан Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши ишлаб чиққан план асосида «Ташмаш» заводи базасида барпо қилинди.

— Кейинчалик,— деб таъкидлади Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик бошқармасининг бош инженери Д. Я. Мурашов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда,— трактор йиғиш заводида пахтачилик учун мослаштирилган ўзиюрар шассе тайёрлаш ҳам ташкил қилинади. (ЎзТАГ).

Совет давлат арбоблари делегацияси АҚШга боради

АҚШ штат губернаторлари конференциясининг ижроия комитети АҚШ штатлари бир группа губернаторларининг 1959 йил июнь-июль ойларида Совет Иттифоқига қилган сафарларига жавобан, Америка Қўшма Штатларига келиш ҳақида иттифоқчи республикаларнинг ва Совет Иттифоқи областларининг бир группа раҳбар арбобларига таклифнома юборди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Совет давлат арбоблари делегацияси АҚШ га январь ойининг охирида жўнаб кетади. Делегация составида қуйидагилар бор: РСФСР Министрлар Советининг Раиси Д. С. Полянский (делегация раҳбари), Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Д. А. Кунаев, Министрлар Советларининг раислари: Н. Т. Кальченко (Украина ССР), Г. Д. Жавахишвили (Грузия ССР), М. А. Искандаров (Озарбайжон ССР), меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг раислари: Н. И. Смирнов (Ленинград области), В. И. Конотоп (Москва области), С. В. Ладейшчиков (Омск области), И. В. Бобков (Рязань области), И. С. Панькин (Сталинград области), В. Б. Трунов (Витебск области), Х. Жалилов (Тошкент области).

ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ

Адабиёт саҳифаси

Ахмад ЖАМИЛ

Колхозчи қиз қўшиғи

Қиров босган бинафшани
шавқ билан
Саҳар териб тизинг ипларга
қизлар,
Уйғотинг қушларни навонгиз
билан,
Соллониб-соллониб юрганда
қизлар.
Басти[1]) эрта билан чиқар
далага,
Момо кечки ишни қўймас
кундузга,
Олқиш Сурайёга, ҳурмат
Қўйқўзга,
Ҳар бири достондир тилларда
қизлар.
Дала, ўрмонимиз сероб
қуёшга,
Юринг далаларга, бошлайлик
ишга.
Бу тўй эмас, қўйсак уни
эртага,
Ўтмасин ой, йиллар бекорга
қизлар.
Гуллади жийдалар, тугилди
анор,
Элимизга севинч келтирди
баҳор.
Болдек ҳосил берур бу йил
далалар,
Тушади исмимиз тилларга
қизлар.

Озарбайжончадан —
Баҳром ИБРОҲИМ таржимаси.

[1]) Момо, Басти, Сурайё, Қўйқўз: Озарбайжонли машҳур пахтакорлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари.

Озарбайжонлик меҳмонлар ўзбек ёзувчилари орасида. Суратда: (чапдан) Ўсмон Саривалли, Ғафур Ғулом, Али Велиев, Мехти Ҳусайин, Сулаймон Рустам, Уйғун, Қабил Имомверднев, Мамед Раҳим ва Миртемир ўртоқлар.

А. Палехов фотоси.

Ўсмон САРИВАЛЛИ

ҚАРОЁЗИ[1])

Баҳор келгач яшнаётир
Кулар ҳуснинг — жамолинг,
Бугу, кийик қочолмайди.
Чангалзор шунча қалин...
Беклар, хонлар кайфи учун
Яраланди моролинг.
Сенинг ўтмиш тарихингда
Ёзилди қора ёзув,
Қароёзи, Қароёзи,
Севимли Қароёзи!
Кўкрагингда оқиб турган
Севимли дарё — Курми?
Қор эриди. Бўз тўнкалар
Тўлқинларда сузурми?
Осмонингда турна тўпи
Қоқиллашиб кезурми?
Қулоғимдан сира кетмас
Ў қушларнинг овози.
Мен уларни эшитаман
Севимли Қароёзи!
Маза қилиб кулолмасдан
чечаклар ўлкасида,
Ёшлигимнинг баҳор чоғи
қайнади, ўтди сенда.
Соч тоғидан қанотланиб
Телба еллар эсганда
Қамиш найда илк чалинди
Кўнглимнинг синиқ сози...
Энди созни янгиладим
Севимли Қароёзи!
Ёш ниҳоллар ўсиб қолди,
шохлари қулоч-қулоч.
Мажнун тол ҳам тол-тол бўлди
Гуллаб кетди қайроғоч.
Шоир сенга меҳмон келса
Чирмовиқдан тез йўл оч!
Аямагин тус товуқни
шоир сендан кўп рози,
Оқ ғоз билан кўк ўрдак ҳам...
Севимли Қароёзи!

Боку.

М. ШАИХЗОДА таржимаси.

[1]) Озарбайжон билан Грузия ўртасидаги ўрмонзор, хушманзаражой.

Заводда

Ворошилов номидаги Тошкент машинасозлик заводи ишлаб чиқараётган ХВС — 1,2 маркали пахта териш машиналари мамлакатимизнинг ҳамма пахтакор республикаларида, шу жумладан Озарбайжонда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Шунинг учун ҳам республикамизда меҳмон бўлиб турган қардош Озарбайжон ёзувчилари делегацияси ана шу корхона машинасозлари ҳузурида бўлиб, завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ишлари билан қизиқиб танишди.

Озарбайжонлик ёзувчилар дастлаб корхонанинг механика цехида бўлдилар.

— Биласизми, корхонамиз йил охиригача юзлаб агрегатларни пахта далаларига юборишн керак,— деди завод бош инженери ўртоқ Г. А. Виноқуров меҳмонларга изоҳ берар экан. — Шу туфайли мумкин қадар кўпроқ агрегат тайёрлаш учун қурашмоқдамиз.

Меҳмонлар йиғув цехига кириб келганларида ХВС — 1,2 агрегати қисмларини йиғиш процесси бажарилаётган эди. Цехдагилар ёзувчиларни машина йиғув агрегатларининг тузилиши, иш функцияси билан батафсил таништирдилар.

Меҳмонлар ўз касбининг моҳир устаси, жонқуяр ишчи Абдуллажоновнинг меҳнат фаолияти билан қизиқишди.

— Ўртоқ Абдуллажоновни корхонамизнинг отахони десак янглишмаймиз, — деди цех бошлиғи ўртоқ В. Бибик, — у шу цехда 12 йилдан бери ишлайди. Ҳозир у цех мастери.

Озарбайжонлик ёзувчилар завод бош инженери хонасида ҳам бўлдилар. Завод инженерлари корхона янгиликлари бўйича ёзувчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

А. АЛИЕВ.

ДУБ СОЯСИДА

Иброҳим КЭБИРЛИ

Ҳеч ҳам ўзгармабди сенинг чиройинг
Сирларим шоҳиди бўлган кекса дуб.
Ҳали ҳам виқорла боқиб турасан
Ёстанган соянгда нўм-кўк майса, ўт.

Не ҳаҳда баргларинг шивирлашдилар,
Ёки севинтирди келишим сени?
Бас нега кушларинг учиб кетдилар,
Ёки бир овчи деб билдими мени?

Тегмайман битта ҳам баргингга сенинг
Қулоқ сол қалбимнинг сўзига менинг.
Ёдингдами бундан уч йил муқаддам
У қизла соянгга биргалаб келдик,
Кулишдик, ўйнашдик охири бироқ
Иккимиз икки томон айрилиб кетдик.

Қайрилиб боққанда у менга томон
Икки томчи ёшни кўрдим юзида.
Бир умид ёлқини ёниб шу замон
Сўнгра тамом сўнди унинг кўзида.

Шундан бери ўтди расо уч баҳор
Сўзла, олармидинг эсингга бизни.
Биламан, деярсан, ёмғирдан анҳор —
Яралиб, ўшанда ювган деб изни.

Мени тутун каби бўғар хотира
Қалбни задалармиш ҳар янглиш одим.
Тушунмадим уни о, мен ногира!
Ҳамма хатоларни сўнгра англадим.

Юзига боқмадим илк муҳаббатни
Дедим: қўй пича кезай ташвишсиз,
Балки сен айтарсан кекса шоҳид дуб
Қилмишимни сира кечарми у қиз.

Шохлардан-шохларга қўнса ўйноқ ел,
Гўё бир нарсалар сўзлар кекса дуб.
Кетаман кўксимда тепчинар юрак,
Йўлимда ястаниб қолар кўм-кўк ўт.

Оҳ агар билсангиз фикримда не ўй!
Мана ўша ҳовли, мана ўша уй.
Бу ерда яшайди илк севганим
Яқинлашсам гўё ёнар бор таним.

Сўнгра ёйилади кулги жаранги
Оҳ унинг товуши бу! Тўхтадим шу дам
Бир янги куч билан ҳиссим қўзғалур
Тизларим титрайди, титрайди бор тан.

Балки ноҳақ ердан деманки ғамнинг —
Қўлига ўзимни топширдим нечун?
Йўқ-йўқ ғуссаси ҳам илк муҳаббатнинг
Булутли тонг каби нашъали менчун.

Тураман, боқаман тўрт томонимга
Зшикни очишга дов бермас юрак.
Шу замон чиқади чопиб айвонга
Лабида кулгиси мен кутган малак.

Ғам ютиб излаган қизимга бу он
Титроқ қўлларимни чўзсам етарди.
Агарда бахт деган топилса осон
Қўзиқорин каби ерда битарди.

Сесканди у кўриб айвонда мени
Қизил гул акс этди ёноқларида.
Ва боқди юзимга, на бир сўз айтди,
Кулгиси йўқолди дудоқларидан.

Келишим сабабин айтай дегандим
Бирдан чақалоқнинг товуши келди.
Яшин урган каби бўлдим шу замон
Севганим ел каби хонага елди.

Дейманки: бир минут бўлса ҳам шу дам
Турсайди айвонда менла юзма-юз.
Нафаси урилиб киприкда турган
Ўтли ёшларимни тўкса эди тез.

Ғулом ШОДИ таржимаси.

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ—ЮРТ БОЙЛИГИ

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз ўз туғруқхонасига эга. Туғруқхонада ҳомиладор аёллар, она ва болаларнинг соғлиғини сақлаш учун ҳамма шароитлар яратилган. Бу ердаги малакали акушер ва ҳамширалар она ва гўдакларнинг чинакам меҳрибони. Суратда: (чапдан) бош акушерка Робия Мустафоева, ҳамшира Суюм Исроилова ўртоқлар колхоз аъзоси Кимё Ғиёсова ва унинг фарзандининг саломатлигини кузатмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Шонли ташаббус

Ўзбекистон пойтахтидаги медицина илмий-тадқиқот муассасаларининг 200 га яқин олимлари, шу жумладан 70 дан кўпроқ профессор ва доцентлар жамоат иши тартибида шаҳар поликлиникаларида консультацияслар ўтказмоқдалар.

Профессорлардан О. Н. Павлова ва А. С. Мелик-Карамян ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери ишдан бўш вақтларида консультациялар бериб, бунинг учун ҳақ олмайдилар. Улар ҳозир биринчи шаҳар поликлиникасида касалларни қабул қилмоқдалар. СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент-аъзоси З. И. Умидова, профессорлар С. А. Масумова, М. С. Рожкова, Б. А. Стекольников ва Ўзбекистонда машҳур бўлган бошқа мутахассислар ҳам шу ерда беморларни қабул қилмоқдалар. Зарур бўлган ҳолларда улар беморларнинг уйларига ҳам борадилар.

Олимлар билан бундай алоқа ўрнатилиши бутун даволаш профилактика ишларини яхшилашга ёрдам берди. Шаҳар поликлиникасининг материаллари асосида ўтказиладиган илмий-тажриба конференциялари врачларга катта ёрдам бермоқда. Мутахассисларнинг маслаҳати билан касалликни аниқлаш методларини такомиллаштириш йўлида кўп иш қилинмоқда. Яқинда ташкил этилган биокимё лабораторияси тадқиқотларнинг аниқ бўлишини таъминлади. Тажрибали мутахассислар ишлаётган даволаш физкультураси кабинети муваффақиятли ишламоқда. Кўз касалликларини даволаш ишига, кўп янгиликлар киритадиган лабораторияни очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Кейинги вақтда олимларнинг ёрдами билан санитария-гигиена пропагандаси кучайтирилди. Шаҳар поликлиникасининг конференц-залида касалликларнинг олдини олиш ҳақида лекция ва суҳбатлар, медицина темаларида савол ва жавоб кечалари мунтазам суратда ўтказилмоқда.

Хусусий практикадан воз кечишга қарор қилган ростовлик мутахассис медикларнинг ватанпарварлик ташаббуси Тошкентда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Республика фанлар академиясининг корреспондент-аъзолари Э. И. Отахонов, А. А. Асқаров, Н. И. Исмоиловлар даволаш муассасаларида текин консультация ёрдами бермоқдалар, қўпгина олимлар корхоналардаги поликлиникаларда ва лаборатория-санитария қисмларида беморларни қабул қилмоқдалар. Профессор-медиклар Бекобод ва Олмалиқ металлургларининг, Оҳангарон кўмирчилари ва Чирчиқ кимёгарларининг даволаш муассасаларига тез-тез бориб турмоқдалар. Профессор М. С. Турсунхўжаева ва доцент Г. И. Зиёмхўжаевалар Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг даволаш стационарида қабул қиладилар.

Тошкент медицина институтининг, Ўзбекистон травмотология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг, Тошкент врачларнинг малакасини ошириш институтининг илмий кенгашлари республиканинг бошқа областларидаги даволаш муассасаларига мунтазам суратда оталик ёрдами бериб туриш ҳақида қарор қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

Суратда: озарбайжонлик ёзувчилар ХВС—1,2 маркали пахта териш машинасининг тузилишини кўздан кечиришмоқда.

В. Салов фотоси.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Қишлоқ хўжалиги ва транспорт

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини бундан буён ҳам жадал суръатлар билан ривожлантириш программасини белгилаб берди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини янгиянги асбоб-ускуналар, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника билан узлуксиз равишда таъминлаб туриш лозим.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалигини юксак даражада ривожланган оғир индустриясиз, айниқса қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва кимё саноатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки машинасозлар қишлоқ хўжалигига пахта териш машиналари, культиваторлар, сеялкалар, тракторлар ва бошқа турли-туман асбоб-ускуналар етказиб берадилар, кимё саноати эса, минерал ўғитлар ҳамда заҳарли ҳимикатлар тайёрлайди. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги оғир индустрия, енгил ва озиқ-овқат саноати билан мустаҳкам алоқа боғлай олган тақдирдагина барқ уриб ривожланади. Қишлоқ хўжалигини тағин ҳам тез суръатлар билан ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган саноат корхоналари ўртасидаги иқтисодий алоқа эса умумий фойдаланишдаги транспорт воситаси билан амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги транспорт бир томондан қишлоқ хўжалигини саноат маҳсулотлари билан таъминлаб турса, иккинчи томондан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шаҳарлар ва саноат корхоналарига етказиб беради. Бундан шу нарса равшанки, қишлоқ хўжалиги ривожлана борган сари унинг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжи ҳам тобора орта боради.

Агар биз областимиз қишлоқ хўжалигининг қай даражада ривожланиб бораётганини билмоқчи бўлсак, юк оборотига назар ташлашнинг ўзи ҳам кифоя қилади. Масалан, 1958 йилда областимизга 1955 йилдагига қараганда 45 процент кўп турли халқ хўжалик юклари келтирилиб, 34 процент кўп юк жўнатилди.

Тўғри, транспортнинг юк оборотида саноат маҳсулотлари етакчи ўринни эгаллайди. Бироқ қишлоқ хўжалик юклари ва саноат корхоналарининг бевосита қишлоқ хўжалик эҳтиёжи учун ишлаб чиқараётган маҳсулотларини бирга қўшиб ҳисоблаганда, транспортнинг юк оборотида қишлоқ хўжалиги ҳам олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги — халқ хўжалигининг бензин, керосин, дизель ёнилғиси ва бошқа нефть маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қиладиган тармоқларидан биридир. Областимиз экономикасининг тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги сабабли нефть маҳсулотларига бўлган талаб ҳам тобора ортмоқда. Областимизга нефть маҳсулотлари мамлакатимиздаги турли иқтисодий-маъмурий районлардан ташиб келтирилади. Чунки бизнинг областимиз нефть запасига эга эмас. Кейинги уч йил мобайнида областимизга келтирилган нефть маҳсулотлари салмоғи 63 процент кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ана шу нефть маҳсулотлари Фарғона, Оренбург, Ашхабод, Омск ва бошқа кўпгина областлардан, шунингдек Озарбайжон ССРдан ташиб келтирилмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, керосин, бензин, дизель ёнилғиси ва бошқа нефть маҳсулотларини узоқ районлардан ташиб келиш учун кўплаб маблағ сарфланаётир. Бу эса халқ хўжалигида транспорт харажатларининг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Нефть маҳсулотларини чекка областлардан келтиришга чек қўйиш учун биринчи галда Фарғона ва Ванновск заводларини кенгайтириш талаб қилинади. Бу заводлар бир неча технологик установкаларга эга бўлган тақдирдагина нефть маҳсулотлари ташиб келишни кескин равишда қисқартириш имконияти туғилади, бинобарин транспорт харажатлари ҳам камаяди. Буни қуйидаги мисолда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Ҳозир бир тонна автобензинни Оренбургдан Тошкентга келтириш учун 43 сўм 24 тийин сарфланмоқда, Фарғонадан олиб келинса, 10 сўм 29 тийин сарф бўлади, холос.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш вазифасини қўйган экан, бунинг учун қишлоқ хўжалик ишларини тўла механизациялаш, колхоз ва совхозларнинг автомобиль парклари кенгайтириш талаб қилинади. Қишлоқларимизда машина ва асбоб-ускуналар орта борган сари уларни ҳаракатга келтирувчи автобензин, керосин ва бошқа нефть маҳсулотларига бўлган талаб ҳам кўпаяди. Шу жиҳатдан олганда яқин йиллар ичида республикамизда нефть саноатини ривожлантириш асосий вазифалардан бири бўлмоғи лозим.

Ерни етарли равишда озиқлантирмай туриб ҳосилдорликни ошириб бўлмайди. Ҳозир республикамизда бир қанча корхона минерал ўғитлар ишлаб чиқараётир. Бироқ ана шу заводларда тайёрланаётган азот ва суперфосфат ўғитлари қишлоқ хўжалигимиз эҳтиёжини тўла қондира олмаётир. Шунинг учун ҳам минерал ўғитлар Пермь, Свердловск, Кемерово, Жамбул ва бошқа областлардан олиб келинмоқда. 1958 йилда областимизга 190 минг тоннага яқин минерал ўғит ташиб келтирилди.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган сари минерал ўғитларга бўлган талаб ҳам ортаборади. Агар минерал ўғитлар бундан буён ҳам узоқ областлардан ташиб келтириладиган бўлса, транспорт харажатлари ҳам ортиб бораверади. Шунинг учун нефть саноатини ривожлантириш билан бир қаторда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам диққат марказимизда туриши лозим.

Агар областимиз аҳолисининг 42 проценти, республикамиз аҳолисининг 66 проценти қишлоқ районларида яшаб турганлигини ҳисобга олсак, қишлоқ хўжалиги дон маҳсулотларининг анча кўп қисмини истеъмол қиладиган тармоқ эканлиги ойдинлашади. Халқимизнинг моддий фаровонлиги тобора юксала бораётганлиги туфайли унинг олий нав унга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда. 1958 йилда областимизга бугдой ташиб келтириш аввалги йилларга қараганда 60 процент, ун келтириш икки баравардан кўпроқ, кепак ва бошқа тегирмон чиқиндилари келтириш қарийб уч баравар кўпайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти иқтисодий алоқалар ва транспорт секторида ўтказилган текширишлар областимизга бугдой уни ташиб келтиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатди. Унни ташиб келтиргандан кўра бугдойни ташиб келтириш маъқулдир. Бугдойни шу ернинг ўзида ун қилиш учун тегирмон хўжалиги ва электр энергетикани ривожлантириш лозим. Чунки бир тонна донни унга айлантириш учун 120—125 килограмм, ёрдамчи ишлар учун 60 килограмм, жами 180—185 килограмм шартли ёқилғи сарфланади. Агар областимизда тегирмон хўжалиги ривожлантириладиган бўлса, транспорт харажатлари бирмунча камаяди. Бундан ташқари тегирмон чиқиндиларидан чорвачиликни ривожлантириш учун ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб қолади. Тегирмон чиқиндиларини ташиб келтириш учун қанчадан-қанча вагонлар ишлатилмоқда. Лекин чиқиндилар енгил бўлганлиги сабабли вагонлардан рационал фойдаланиб бўлмаётир.

Қишлоқ районларида саноат ва қишлоқ хўжалик юкларини ташиш асосан автомобиль транспорти ёрдамида бажарилади.

Маълумки, қишлоқ хўжалигига зарур юкларни ўз вақтида етказиб бериш ва тайёрланган маҳсулотларни кечиктирмай ташиб кетиш лозим. Бундан ташқари ана шу қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан қишлоққа ташиладиган юклар учун сарфланаётган харажатлар имкони борича кам бўлиши керак. Бунинг учун аввало қишлоқ районларида транспортнинг бемалол ҳаракатлана олишини таъминлайдиган йўлларга эга бўлиши зарур.

Областимиз яхши ривожланган темир йўл транспорти тармоқларига эга. Бу жиҳатдан областимиз темир йўл транспорти Иттифоқимиздаги бошқа областлар билан таққослаганда, етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бироқ юк ташишнинг нотўғри планлаштирилиши, корхоналарнинг рационал жойлаштирилмаганлиги сабабли темир йўлда юк ташиш харажатлари мўлжалдан ортиб кетмоқда.

Областимиз қишлоқ хўжалигида автомобиль транспорти катта аҳамиятга эга. Чунки саноат маҳсулотлари ҳам, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам автомобиль транспорти ёрдамида ташилади. Автомобиль транспорти харажатларининг кам ёки кўп бўлиши йўлларнинг техника ҳолати ва автопарклардан қай даражада фойдаланишга боғлиқ.

Областимизда тош ва асфальт ётқизилган йўллар республикамизнинг бошқа областларига қараганда анча кўп, у барча йўлларнинг тахминан учдан бир қисмини ташкил қилади. Бу йўллар асосан шаҳарлар ва район марказларини бир-бири билан боғлайди. 210 километр узунликка эга бўлган Тошкент—Қўқон автомобиль йўлининг фойдаланишга топширилиши областимиз экономикасини янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Бу йўл областимизни Фарғона водиси билан боғлайдиган энг қисқа йўлдир. Агар темир йўл орқали Фарғона водисидан юк келтириш учун ўртача 48 соат кетса, янги йўл орқали бу масофани кўпи билан 10 соатда босиб ўтса бўлади.

Шуни очиқ эътироф қилиш керакки, колхоз, колхозлараро, район ва районлараро автомобиль йўллари айтарлик яхши аҳволда эмас. Шунинг учун бу йўлларда ташилган юклар таннархи асфальт йўлларда ташилганига қараганда қарийб икки баравар ошиб кетмоқда. Қишлоқ жойлардаги автомобиль йўлларининг техника даражаси талабга жавоб бермаслиги юк ташиш харажатларининг ошиб кетишига ҳамда автомобилларнинг қисқа муддатда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолишига сабаб бўлаётир.

Тўғри, қишлоқ жойлардаги барча йўлларга тош ётқизиб бўлмайди. Чунки бунинг учун кўплаб маблағ сарфлаш лозим. Бироқ район ва районлараро автомобиль йўлларига лоақал шағал тўкиш керак.

Колхозларни ва районларни бир-бири билан боғлайдиган йўлларни қишлоқ хўжалик экономикасининг қон томири дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва ўз вақтида ремонт қилиб туриш муҳим аҳамиятга эга.

Совет халқининг моддий фаровонлигини тобора юксалтириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётган шонли Коммунистик партиямиз қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш вазифасини қўйган экан, бутун диққат-эътиборимизни ана шу топшириқнинг муваффақиятли бажарилишига қаратишдан иборат бўлмоғи лозим.

С. ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари кандидати.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Помидор ўсимлигини вирус касаллигидан ҳимоя қилинг

Вирус бактерялари одамларда, ҳайвонларда, паррандаларда ҳам ҳар хил касалликларни қўзғатади. Шунингдек у пахта, беда, картошка, помидор, бақлажон сингари ўсимликларга ҳам зарар етказади.

Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларимизда помидорнинг вируслик СТРИК касаллиги авж олгандир. Ўтган йили Қорасув, Орджоникидзе, Калинин районларидаги бир қатор хўжаликларда помидор экилган участкаларда ўсимликнинг 20 процентчаси ана шу вирусдан зарарланди.

Вирусга қарши курашни худди шу кунлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Нега деганингизда касаллик дастлаб парник ва иссиқ хоналарда пайдо бўлади.

Далада эса бу касаллик ўсимликнинг гуллаш давридан бошланиб, то вегетация даврининг охиригача давом этади. Касалланган помидор барглари ва шохларида қорамтир-қўнғир доғлар, бандларида эса узунроқ қорамтир-қўнғир доғлар (чизиқлар) ҳосил бўлади. Доғлар бир-бири билан қўшилишиб, катталашиб помидорнинг бутун танасига ёйилади, натижада ўсимлик қовжирайди. Бундай ўсимликнинг мевалари ҳам зарарланади: ҳосил тугунчаларида кўпинча оч қўнғир доғлар пайдо бўлиб, мева ғадир-будурлашиб, қаттиқлашади, буришиб ҳар хил ранглар ҳосил бўлади. Ниҳоят ёрилиб, тўкилиб кетади.



Касаллик дастлаб уруғлик орқали, ҳужайра ширасидаги кўзга кўринмайдиган вируслар орқали тарқалади. Бундай вируслар тушган помидор ўсимлигини чеканка қилиш вақтида ҳужайра ширасининг қўлига юқади, натижада бошқа ўсимликларга осонлик билан ўтади.

Касалликнинг олдини олиш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишга лозим. Даставвал соғ ўсимлик етиштириб, улардан соғ ва сифатли уруғлик тайёрлаш зарур. Бу уруғларни парникларга ва иссиқ хоналарга экишдан олдин 1 процент калий перманганатли суюқлик билан 20—30 минут давомида дорилаш керак. Шунингдек парникларда алмашлаб экишни жорий қилиш лозим.

Шунингдек ўсимлик кўчатини экилгандан бошлаб вегетация даврида ҳам ҳар 15—20 кун бир марта калий перманганатнинг 0,5 процентли эритмаси билан (бир литр сувга 0,5 грамм калий перманганат солинади) 2—3 марта пуркаш талаб қилинади.

Майдон атрофидаги ёввойи ўтлар ва уларга қўнадиган ҳашаротларни йўқотиш керак.

Х. ҚОДИРОВ,
қишлоқ хўжалик институти фитопатология кафедрасининг ассистенти.

Юқори Чирчиқ районидаги «Палитотдел» колхози аъзолари маккажўхори ҳосили етиштиришга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Ўтган йили, айниқса, ўртоқ Ли Любовь раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари яхши натижаларга эришдилар. Улар 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 1000 центнердан маккажўхори кўкпояси олиб, хўжаликдаги ҳар бир соғин сигир учун 12—13 тоннадан силос бостирдилар. Бригада аъзолари партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленуми қароридан илҳомланиб, бу йил 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 1200 центнердан маккажўхори кўкпояси етиштириш мақсадида тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) бригада аъзолари Қ. Ўрозбоева, Тарас Ким, Я. Каримов ва бригадир Ли Любовь ўртоқлар уруғлик жўхори сифати ҳақида суҳбатлашмоқда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҲАКИМПОЛВОН нима дейди

Куннинг иккинчи ярмига борганда ҳарорат бироз кўтарилиб, ҳаво исиб кетди. Шудгорнинг у ер-бу ерида оппоқ пахталардек кўзга ташланиб турган қор парчалари ҳам қуёшнинг тафтида эрийбошлади. Ердан ҳовур кўтарилмоқда эди. Табиатнинг бу «ўзбошимчалигидан» фойдаланган ўт-ўлонлар ердан бўртиб чиқиб қолибди. Бу нарса деҳқоннинг юрагига гул-гула солади. Шунинг учун бўлса керак Ҳакимполвон бугун далаларни, шудгорланиб кўкламга тахт қилиб қўйилган карталарни яна бирма-бир кўздан кечира бошлади. Тайёргарлик ёмон эмас. Ҳар ер, ҳар ерга тўпланиб чиритиб қўйилган маҳаллий ўғитлар ғўза парвариши даврида ишлатиш учун етарли. Ички ариқ-зовурларнинг тозаланиши ҳам кўнгилдагидек. Энди ҳўв нариги картадаги катта ариқни ҳам яхшилаб тозалаб олинса марра шуларники. Бригадир колхозчиларнинг ишидан мамнун бўлиб, далага ўтди.

— Келишдик, сўзимиз қатъий, шундайми биродарлар,— деди у. Тушликдан сўнг эндигина далага йўл олай деб турган бригада аъзоларига қараб:

— Ҳа, аҳдимиз мустаҳкам,— кўпчиликнинг фикрини ифодалаб жавоб берди звено бошлиғи, кекса пахтакор Орзи ота Орипов,— бемалол айтаверинг, бу йил ҳосилимиз ўтган йилгидан кўп бўлса бўладики, кам бўлмайди. . .

Ҳакимполвон тўғри идорага йўл олди.

— Келдингизми,— раис Хўжамқул Эгамқулов бригадирни очиқ чеҳра билан кутиб олди,— мусобақадошингиз Ғанишернинг очиқ хатини ўқиб, муҳокама қилгандирсизлар. Райондагилар, хўш полвон нима дер экан, деб сўрашяпти.

— Нима дердик, беллашишни давом эттирамизда.— Ҳаким ака бу нарса ўзингизга ҳам маълумку, деганда раиса ер остидан тикилиб қўйди. — Бригадамизнинг каттаданкичиги йиғилишиб, имкониятларимизни яна бир бор қайта кўриб чиқдик,— деди Ҳакимполвон. — Охири мана шу қарорга келдик. Бригадир ёнидан бир парча қоғозни олиб, раисга узатди. Ҳаммаси ана шу ерда айтилган.

Раис қўлидаги қоғозга кўз югиртирар экан, чеҳраси ёришиб кетди. Миришкорлар ҳар гектар ердан 70 центнердан пахта топширишга аҳд қилишибди. Ҳамма ерга чигитни квадрат-уялаб экишни планлаштиришибди.

— Ҳосилнинг 65 процентини машинада териб олмоқчимисиз, — сўради раис.

— Ҳа, агар ХВС—1,2 машинасидан келтириб берсангиз, ҳаммасини ҳам машинада теришимиз мумкин, жавоб берди бригадир,— механик-ҳайдовчиларимиз Жалил Исаев, Маҳкам Холиқовларни ўзингиз биласиз. Жуда сергайрат, ҳар биримиз мавсумда камида юз-бир юз йигирма тоннадан пахта терганимиз бўлсин, деб айтишяпти. Буларку майли-я, мен сиз билан бир нарсани маслаҳатлашмоқчиман,— деди Ҳаким ака.

— Эшитаман,— раис Ҳаким акага тикилди.

— Ғанишерлар ҳар бир киши бошига 40 тоннадан пахта етиштиришмоқчи,— салмоқ билан гапирарди у. — Биз ҳам етиштирмоқчи бўлган ҳосилимизни киши бошига тақсимласак 20 тоннаданга тўғри келади. Нега деганингизда ишчи кучимиз кўпроқ. Шунинг учун ишнинг кўпини трактор билан бажарсагу, колхозчилар сонини камайтирсак деган эдим.

— Бу фикрингиз жуда тўғри, — деди хурсанд бўлиб раис,— лекин, сизларнинг бригадангиз фақатгина пахта етиштирмайдику, қурт ҳам боқасизлар, бир неча гектар ерда маккажўхори етиштирасизлар. Озроқ, картошка ҳам экасизлар. Олмазорингиз ҳам кенгайиб бормоқда. Шунинг учун ҳозирча ишчи кучларини кўп деб айтолмаймиз. Бригадангизда хўжалик ҳар тарафлама ривожлансин учун ҳозирги пайтдаги ишчи кучларингиз етарли.

Раис билан қаҳрамон бригадир яна алланимолар тўғрисида маслаҳатлашдилар.

Пискент районидаги Тельман номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳакимполвон Қодиров бошлиқ бригада аъзолари етти йилликнинг иккинчи йили баҳорини катта тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар.

— Экишни биз ҳам узоғи билан 4—5 кун деганда тамомлаймиз,— дейди Ҳакимполвон,— чигитни ернинг ўз намига ундириб олсак, марра бизники. Шундан кейин дарҳол культивацияни бошлаб юборамиз. Асосий ўғитни ғўзанинг ёшлигида берамиз.

Н. РИХСИЕВ,
Н. БЕКНАЗАРОВ.

РЕПОРТАЖ

ИШ ҚИЗҒИН

Мана, кунлар ва ҳафталар бирини-бири қувиб ўтмоқда. Қаҳратон қиш тугаб қолди. Деҳқонларимиз ўтган йилни ғалабалар билан якунлаб, пахта байрамини шод-хуррам нишонладилар. Эндиликда етти йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун кураш қизиб кетди. Партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленуми қароридан илҳомланган колхозчилар кўклам экишига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Биз Калинин номли колхоз қишлоғидамиз. Ҳамма жойда иш қизғин. Ана, правление идорасининг ёнидаги устахонадан тақир-туқур овоз эшитиляпти. Механизаторлар тракторларни жорий ремонтдан чиқаришмоқда. Экиш сеялкалари артилиб, гайкалари мойланаяпти.

Ҳу, бир гуруҳ колхозчилар кенг йўлнинг ўнг томонидаги ариқни тозалашиб, тартибга келтирмоқдалар. Ҳар бир киши ўзига топширилган ишни аъло даражада бажариш тараддудида.

Отхона, молхона олдидаги қайноқ меҳнатни айтмайсизми. Комсомоллардан ўнга яқини сочилиб ёғган ўнгни бир ерга тўплашмоқда. Яна бир неча киши замбилда отхонадан гўнг чиқариб тўкяпти. Гўнг ортган арава ва машиналарнинг кети узилмайди. Аравакаш ва шоферлар тез-тез далага қатнаб турибдилар.

— Кузовга лиқ тўлдириб ғўнг босинглар, — дейди ҳайдовчи Пак Валентин.

Валентиннинг гапини инобатга олган чуст дўппили йигит машинага чиқиб, паншаҳаси билан ғўнгни текислаб босади.

— Ҳа балли, азаматлар, далага чиққани фойда. Бу ишда эринчоқлик қилсак ҳосилдан ютқизамиз, — деб гаҳ аралашади, комсомол ташкилотининг секретари Шораҳим Каримқулов.

Машина ўрнидан қўзғалди. Унинг ўрнини Тоғай Норбўтаевнинг араваси эгаллади. Ҳаш-паш дегунча арава ҳам тўлдирилиб, далага жўнатилди.

Колхоздаги бугунги иш ҳам кечагидек чакки бўлмади. Уч трактор тўла ремонтдан чиқарилипти. Икки ярим километр узунликдаги ариқ чопилди. Комсомол-ёшлар ҳам ғайрат кўрсатишди — кечагидан 12 арава кўп ғўнг чиқарилди. Янги қазилган чуқурнинг бири ғўнгга тўлдирилди.

Колхоз комсомоллари далага бир ярим минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқариш мажбуриятини олдилар. Ёшларнинг ташаббуси бошланғич партия ташкилотида ва колхоз правлениесида қўллаб-қувватланди. Ишга киришилди. 32 комсомол аъзосидан 23 киши маҳаллий ўғит тўплаш, далага ташиб чиқаришда актив қатнашмоқда. Уларнинг кучи билан 3 та ғўнг сақлайдиган чуқур қазилди. Бир неча кун ичида 560 тоннадан ортиқ ғўнг чиритиб қўйилди.

Комсомоллар январь ойи ичида ғўнг чиқариш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар.

— Ғўнгни кўпроқ тўплаб, — дейди ўртоқ Ш. Каримқулов, — минерал ўғитлардан кам фойдаланамиз ва унга сарфланадиган ўн мингт сўмдан кўпроқ пулни тежаб қолиш учун курашамиз.

— Ёшларимизнинг унумли меҳнатлари орқасида, — дейди колхоз раиси ўртоқ Ем Ен-ман, — ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан икки баравар кўп маҳаллий ўғит тайёрланди. Зомон Каримқулов, Ли Тен-ман ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг экиш майдонига етарли миқдорда маҳаллий ўғит чиқариб қўйилди.

Колхозчилар қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кенг миқёсда ривожлантириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш учун курашмоқдалар. Экин майдонлари тўла шудгордан чиқарилди. Бу йил деярлик ҳамма бригадада чигит квадрат-уялаб экилади. Колхозчилар механизацияни кенг жорий қилиб, гектар бошига пахта ҳосилини 5—7 центнердан ошириш мажбуриятини олдилар. Механизаторлар, деҳқонлар ҳамжиҳатлик билан ишлаб қишки ишларнинг ҳаммасини қисқа вақтда тамомлаш ва экиш кампаниясини камчиликсиз кутиб олиш мақсадида астойдил бел боғлаб ишламоқдалар.

М. ҒОЗИЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз.

Самарали меҳнат тақдирланди

СИРДАРЁ, (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Ўтган йили райондаги колхоз, совхозларда кўплаб механик-ҳайдовчилар пахта териш машинасида ишлаб яхши натижаларга эришдилар.

Район ижроия комитети қарори билан пахта терими ва шудгорлашда актив қатнашган механизаторлардан 22 киши «Урал», «Победа» соатлари билан мукофотланди. Булар орасида «Малик» тажриба хўжалигининг донгдор механизатори Ж. Кўчиев, Ленин номли колхознинг гектаридан 36,7 центнердан пахта етиштирган трактордалачилик бригадасининг бошлиғи Н. Лукашев, Ильич номли колхознинг тракторчиси Н. Шодмонов, «Социализм» совхозининг тракторчиси А. Мўминов ва бошқа ўртоқлар бор.

350 ишчи-хизматчи сиртдан ўқимоқда

Тошкентдаги электр лампа заводи коллективи ҳақида гапирилганда дастлаб уларнинг кўпчилиги олий маълумотли мутахассис эканликлари тилга олинади. Бу бечиз эмас. Заводда фидокорона меҳнат қилиш билан бирга, билим олаётган ишчилар анчагина.

Жумладан, 39-цех мастери В. Кравацов, конструктор А. Воронцов, электр пайвандчи А. Гришин каби 15 ишчи-хизматчи яқинда Ўрта Осиё политехника институтини тугатиб диплом олди. Токарь В. Маркова, А. Рутсалов ва бошқалар бу йил ана шу институтнинг сиртқи бўлимларини битирадилар. Шунингдек В. Содиқов, И. Муҳитдинов, Ш. Шоюсупов каби ишчи, инженер-техник ходимлар олий ўқув юртларида билим олишмоқда.

Ҳаммаси бўлиб заводнинг 350 ишчи-хизматчиси ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида ва техникумда ҳамда Ўрта мактабда ўқимоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов ва Е. А. Фурцева ўртоқларнинг Ҳиндистонда бўлиши

ДЕҲЛИ, 21 январь. ТАСС мухбири В. Кондрашев хабар беради:

Бугун эрталаб К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов ва Е. А. Фурцева Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби Гандининг жасади қуйдирилган жой — Ражгхатга бордилар ва гулчамбар қўйдилар. Сўнгра совет меҳмонлари Ражгхатда дарахт ўтказдилар. Дарахт ўтказиш Ҳиндистонга келувчи ҳурматли меҳмонлар учун традиция бўлиб қолган. К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов ва Е. А. Фурцевалар билан биргаВ .В. Кузнецов, Н .Н. Данилов, А. И. Имомов, В. И. Лихачев, В. И. Авилов, В. Я. Чекалов, шунингдек СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ҳам бор эдилар.

Дарахт ўтказиш вақтида К. Е. Ворошилов бундай деди: «Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик қандай ўсаётган бўлса, бу дарахт ҳам шундай ўссин». Гулчамбар қўйиш ва дарахт ўтказиш вақтида совет меҳмонларига пўлат ер ости бойликлари ва ёқилғи министрлигидаги давлат министри К. Д. Малавия, Деҳлининг бош комиссари Сахей, элчи К. П. Ш. Менон ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлдилар.

Сўнгра К. Е. Ворошилов, Е. А. Фурцева ва уларнинг ҳамроҳлари халқаро қишлоқ хўжалик виставкасига жўнаб кетдилар. Виставкада уларни Ҳиндистон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги министрлигидаги давлат министри П. Ш. Дешмукх кутиб олди. Виставкага келишингиз билан бизга кўрсатган ҳурматингиз учун жуда миннатдорман, деди у. П. Ш. Дешмукх меҳмонларни ҳинд фермерларининг ўзи раислик қилаётган форуми номидан табриклади ва виставка павильонларини тамоша қилишга таклиф этди.

К. Е. Ворошилов жавоб нутқи сўзлаб, виставкани келиб кўриш имконияти берилганлиги учун ташаккур изҳор қилди. Биз, совет кишилари, деди у, бу ерга, Ҳиндистон пойтахтига дўстлик миссияси билан меҳмон бўлиб келдик ва ҳинд халқининг бизни самимий кутиб олганлиги учун астойдил миннатдормиз. Мен, деди К. Е. Ворошилов, бу виставкада Совет павильони борлигини хурсандчилик билан таъкидлаб ўтаман. Бу павильон мамлакатларимиз бир-бирларига янада яқинроқ бўлиб қолишларига, бу эса ўз навбатида тинчликни мустаҳкамлашга ҳамда одамларнинг низосиз, қон тўкмай, урушларсиз, қардошлардек яшашлари, ҳамма бир-бирини ҳурмат қиладиган дунёда яшашлари учун шароит вужудга келтиришга ёрдам беради.

Меҳмонлар «Бугунги Ҳиндистон» павильонига кирдилар ва Ҳиндистон экономикаси ҳамда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига бағишланган стендларни кўздан кечирдилар. Сўнгра улар Уттар Прадеш штати павильонини кириб кўрдилар, бу ерда уларга эсдалик совғалари тақдим этилди. Е. А. Фурцева виставкадан кета туриб, ҳурматли меҳмонлар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди: «Виставкада ҳинд халқининг муваффақиятлари жуда яхши кўрсатилган. Янги қаёт қуришда Ҳиндистон халқига янада муваффақиятлар тилаймиз».

Куннинг биринчи ярми охирида К. Е. Ворошилов, Е. А. Фурцева ва уларнинг ҳамроҳлари рассом С. Н. Рерихнинг суратлари виставкасини бориб кўрдилар.

ДЕҲЛИ, 21 январь. (ТАСС). Бугун Ҳиндистон бош министри Ж. Неру К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов, Е. А. Фурцева ва ҳамроҳларининг Ҳиндистонда бўлишлари муносабати билан зиёфат берди. Зиёфат дўстона, самимий вазиятда ўтди.

Халқаро қишлоқ хўжалик виставкасидаги Совет павильонида Совет Иттифоқининг миллий куни ўтказилди. К. Е. Ворошилов, Ҳиндистон президенти Р. Прасад, бош министр Ж. Неру, Ф. Р. Козлов, Е. А. Фурцева бу ерга келдилар.

Меҳмонлар павильонни кўздан кечирганларидан кейин павильоннинг очиқ театрига ўтдилар, бу ерда митинг бўлди.

Митингда К. Е. Ворошилов қисқача табрик нутқи сўзлади.

К. Е. Ворошилов Ҳиндистон экспонатлари ўзида катта таассурот қолдирганлигини таъкидлаб, бундай деди:

Биз дўстона ҳинд халқига ва Ҳиндистон ҳукуматига қишлоқ хўжалигида, шунингдек саноатни, транспортни ва бутун миллий экономикани ривожлантиришда чин қалбдан янги муваффақиятлар тилаймиз.

Биз, деди К. Е. Ворошилов, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги бузилмас дўстлик ҳинд ва совет халқларининг бахт-саодати йўлида яшнаб, равнақ топишини қизғин истаймиз!

Сўнгра Ф. Р. Козлов сўзлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳар томонлама халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, деди Ф. Р. Козлов, давлатлар ўртасида ҳамжиҳатликни ва дўстликни мустаҳкамлаш учун, халқларнинг фаровонлигини ошириш учун ғоят муҳим ишдир. «Сиҳат-саломатлик энг яхши дўстдир, очарчиликдан ёмон офат йўқдир», деган қадимий ҳинд мақоли жуда тўғри.

Биз виставкадаги Совет павильони катта эътиборни жалб этиб, зўр қизиқиш туғдирганлигини билиб мамнун бўлдик, деб давом қилди у. Биз бўни ҳиндларнинг совет халқига бўлган дўстона туйғуларининг ифодаси деб ҳамда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган муваффақиятлари сизнинг мамлакатингизда маълум эканлигининг далолати деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги вақтда бизда, деб таъкидлади Ф. Р. Козлов, бутун қишлоқ хўжалигини янада тез суръатлар билан олга бостириш учун янги муҳим тадбирлар белгиланди ва биз озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳамда саноат учун қишлоқ хўжалик хом ашёсининг мўл-кўл бўлишига энг қисқа муддат ичида эришувимизга тамомила аминмиз.

Колхозларимизнинг тажрибаси шу нарсани яққол кўрсатиб бердики, коллектив қишлоқ хўжалиги анча юқори меҳнат унумдорлигини таъминлайди, фақат ана шу йўлдагина экономикамизнинг бу тармоғини чинакам ва тобора тараққий эттириш мумкин бўлди.

Қишлоқ хўжалигимизнинг муваффақиятларига, деди Ф. Р. Козлов, Совет Иттифоқида қудратли саноат ва унинг негизи — оғир индустрия вужудга келтирилганлиги туфайли эришиш мумкин бўлди. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг юқори унумли бўлиши учун унинг ходимлари агротехника ва зоотехника асосларини кенг равишда билишлари шарт. Бизнинг, колхоз ва совхозларимизда ҳозир 300.000 дан ортиқ олий ва ўрта маълумотли мутахассислар ишламоқда.

Совет халқи ўз тажрибасини, ўз ютуқларини ҳинд халқи билан қардошларча баҳам кўришга ҳамиша тайёр эканлигини, у ҳинд халқига чуқур ва самимий ҳурмат билан қараганлигини бу ерда такрорлаб ўтишнинг ҳожати йўқ, деди Ф. Р. Козлов.

Ф. Р. Козлов «совуқ уруш» музлари эриб кетаётган, ҳамжиҳатликнинг ёруғ ниҳоллари қатъий ўсиб чиқаётган ҳозирги вақтда тинчликни ва кишиларнинг бахт-саодатини қадрловчилар ана шу ниҳолларидан халқлар дўстлигининг қудратли дарахти ўсиб чиқиши учун уларни авайлаб ва сабр-тоқат билан парвариш қилишлари лозим, деб таъкидлади. Барча мамлакатлар ўртасида муносабатларнинг яхшиланишига, ўзаро манфаатли савдо-сотиқнинг йўлга қўйилишига, маданий, илмий ва савдо алоқаларининг кенгайтирилишига эришиш учун қатъий равишда ва сабр-тоқат билан ҳаракат қилиш — барча халқларнинг, барча тинчликсевар давлатларнинг вазифасидир.

Совет Иттифоқи бунга эришиш учун қатъий ва тинмай ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг ўз қуролли кучларини бир ўзи яна камайтираётганлиги мамлакатимизнинг эҳр бериб қуролданишга ҳотима берилишига амалий ишлар билан ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканлигини бутун дунёга кўрсатиб турибди.

Улуғ ҳинд халқи ва Ҳиндистон ҳукумати тинчлик ва тараққиёт йўлидан оғишмай боришга қатъий бел боғлаганлигига ишонамиз, деди Ф. Р. Козлов пировардида.

Тинчлик учун курашдаги кучгайратимиз янада қудратли бўлсин! Совет-ҳинд ҳамкорлиги халқларимизнинг фаровонлиги, равнақи ва бахт-саодати йўлида, ер юзида тинчлик йўлида мустаҳкамлансин ва ўсиб борсин!

Сўнгра митингда Ҳиндистон президенти Р. Прасад сўзга чиқиб, бундай деди:

Мен шу катта виставкада кўрадиганларимизнинг ҳаммаси бизга анча фойда беришига тамомила аминман. Яқиндагина мен рус павильонини кўздан кечирдим ва у ерда жуда ва жуда катта тараққиётга эришилганига қаноат ҳосил қилдим, ва мен бу виставкани кун сайин келиб кўраётган минглаб кишиларимиз ана шу ва бошқа павильонларда кўрадиган нарсалар уларга жуда фойдали бўлишига тўла аминман.

Бу павильон қишлоқ хўжалик ходимлари учун айниқса фойдали бўлади. Улар, афтидан, энг янги илмий методларни қўлланиш йўли билан қандай натижаларга эришиш мумкинлигига ҳамма нарсадан кўпроқ қизиқсалар керак. Мен, жумладан, қишлоқ хўжалигида атом энергиясидан фойдаланишни кўзда тутган. Бундай виставка турли мамлакатларнинг учрашиш жойидир ва шундай қилиб, яхши ниятга ҳам ёрдам бера олади. Мен Ҳиндистондек мамлакат тинчликка ҳар қандай бошқа мамлакатдан кўра кўпроқ муштоқ эканлигига аминман.

Мен президентнинг жуда самимий сўзлари ҳамда кўп марта изҳор қилган жуда олижаноб туйғулари учун ундан астойдил миннатдорман. Биз ҳам худди шундай туйғулар билан тўлиб-тошганлигимизга уни яна ишонтира оламан. Агар биз тинчликни сақлашда ва унга ёрдам беришда инсониятга бирор йўл билан кўмаклаша олар эканмиз, ўз тақдиримизни мурувватли деб ҳисоблаймиз.

ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕА

ПЕКИН, 22 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг президенти Го Мо-жо СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеяновга телеграмма юбориб, кўп босқичли совет баллистик ракетасининг Тинч океан районига муваффақиятли учирилганлигини табриклади.

Телеграммада бундай дейилади:

«Мен Совет Иттифоқининг 1960 йил 20 январь кечқурун Тинч океан районига кўп босқичли баллистик ракетани муваффақиятли учирганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб хурсанд бўлдим. Сизга хитой олимлари номидан ва шахсан ўз номимдан қизғин табрикларимни йўллашга ҳамда Сизга ва Сиз орқали совет олимларига катта ҳурматимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Тинч океан районига кўп босқичли совет баллистик ракетасининг учирилганлиги ўлчов натижаларига кўра ракетанинг бошқарув системаси ғоят аниқ бўлганлигини исботлайди.

Кўп босқичли кучли совет ракетасининг муваффақиятли учирилганлиги совет фанининг космик фазони ўзлаштириш ва Қуёш системасидаги планеталарни ўрганиш йўлида янги тараққиётга эришувига гаровдир. Бу — социалистик лагерь учун ва бутун дунёдаги тинчликсевар кишилар учун қувончли воқеадир. У тинчлик учун курашаётган халқларни илҳомлантиради ва уларга янги куч бағишлайди.

Совет илмий ходимларига янги муваффақиятлар ва янада буюк ижодий ғалабалар тилаймиз».

ЯНГИ ХАБАР БУТУН МАМЛАКАТГА ЁЙИЛДИ

ПАРИЖ, 21 январь. (ТАСС). Совет Иттифоқининг Тинч океан районига баллистик ракета учирганлиги тўғрисидаги хабар бутун Францияга тез вақт ичида ёйилди. Франс Пресс агентлиги бу воқеага бағишланган бир неча шошилинч хабарлар эълон қилди, сўнгра ТАСС ахборотининг деярлик тўла текстини берди. Париж радиосининг информацион бюллетенида совет баллистик ракетасининг муваффақиятли учирилишига анча ўрин берилган.

ЭЙЗЕНХАУЭР ЯПОНИЯГА БОРАДИ

ВАШИНГТОН, 21 январь. (ТАСС). Оқ уй вакилининг кеча эълон қилишига кўра, Қўшма Штатлар президенти Д. Эйзенхауэр Совет Иттифоқига қиладиган сафаридан кейин, шу йил июнь ойининг 20-кунларида Японияга боради.

АМЕРИКА РАКЕТАСИ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 январь. (ТАСС). Ассошийэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, бугун Қўшма Штатларда Уоллопс оролидан (Виргиния штати) ракета учирилган. Ракетанинг махсус контейнерида маймунча бўлган. Маймунча билан контейнер парашютда океанга тушган.

ТАСС АХБОРОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҚШ ДА БАЕН ЭТИЛГАН ФИКРЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 21 январь. (ТАСС). Совет Иттифоқида янги, анча кучлироқ кўп босқичли баллистик ракетанинг муваффақиятли учирилганлиги тўғрисидаги ТАСС ахборотти АҚШда зўр қизиқиш туғдирди.

Американинг информацион агентликлари ТАСС ахборотининг тўла текстини ўзларининг дастлабки шарҳлари билан бирга дарҳол эълон қилдилар.

«АҚШ ҳарбий экспертлари, — деб Вашингтондан хабар беради Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги, — ғоят кучли совет ракетасининг учирилган нуқтасидан қарийб 8 минг миля узоқда, Тинч океандаги нишондан 2.100 яддан камроқ масофада сув сатҳига етиб борганлиги тўғрисида совет маълумотларига «шундай бўлиши жуда эҳтимол», деб баҳо бердилар.

Совет маълумотларига мувофиқ, дейилади агентликнинг бошқа бир хабарида, Совет Иттифоқининг «энг янги кўп босқичли ракетаси Американинг «Атлас» ракетасига (АҚШ даги энг мукаммал баллистик ракета. — Ред.) нисбатан кучлироқ бўлиш билан бирга, белгиланган жойга аниқ бориб тушиш жиҳатидан ҳам устунликка эга».

Пахтачилик ҳақида илмий тўплам

Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик Фанлари академияси билан биргаликда «Пахтачилик масалаларига оид илмий кенгаш материаллари» деган уч томлик тўплам тайёрлаган эди. Яқинда Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти шу катта тўпламни Ўзбек тилида нашр этди.

Китоб пахтачилик бўйича Тошкентда ўтказилган бирлашган илмий сессия материалларини ўз ичига олади. Унинг I-томида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти — академик П. П. Лобановнинг сессиядаги кириш нутқи, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. А. Муҳитдиновнинг «Совет пахтачилигини янада ривожлантириш учун» темасида қилган доклади ва бошқа муҳим ҳужжатлар бор. Иккинчи томга пахтачилик селекцияси, ўсимликни ҳар хил зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, ғўзани парвариш қилиш ишларини механизациялаш тўғрисида қилинган доклад ва нутқлар киритилган.

Сессиянинг гидротехника, мелиорация ва суғориш, қишлоқ хўжалик экономикасига оид материаллари тўпламнинг сўнгги томидан ўрин олган. Китобда жуда кўп расмлар, жойларнинг схема ва чертёжлари, жадваллар бор.

Йирик қишлоқ хўжалик мутахассислари томонидан ўзбек тилига таржима қилинган бу тўпламнинг нашр этилиши республикамизда пахтачиликнинг тараққиёти учун катта аҳамиятга эга.

К. ОРИФХОНОВ.

Олмаликда янги газета

Олмаликда ўзбек тилида «Олмалиқ ҳақиқати» номли шаҳар газетаси чиқарила бошланди.

Газетанинг биринчи сонида КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарори ва шаҳар меҳнаткашларининг галдаги вазифаларига бағишланган бошмақола берилган. Газетанинг чиқа бошлаши муносабати билан бирқанча газеталар редакциялари коллективларидан олинган табрик телеграммалари, Тошкент наслчилик совхозининг илғор сут соғувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Меҳри Бегманова, шаҳар биринчи қурилиш бошқармасининг бетончиси Ўразали Ўралов ва бошқаларнинг табрик хатлари босилиб чиққан.

Газетада «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қароридан илҳомланиб» деган рубрика остида трактор ремонтининг қандай бораётгани, парник хўжалигида кўкламга тайёргарлик ишлари тўғрисида ва бошқа темаларда ёзилган қизиқарли материаллар босилган.

Бугунги Чирчиқ ана шундай обод ва кўркам шаҳарга айланган.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

САНЪАТ КУНДАЛИГИ

Ҳинд фильмлари фестивали

Ҳиндистон республикаси эълон қилинган куннинг ўн йиллиги муносабати билан Тошкентдаги «Ёш гвардия» кино театрида ҳинд фильмлари фестивали ўтказилмоқда.

Фестиваль «Ворис» номли бадиий фильми намойиш қилиш билан бошланди. Сеанс бошланиш олдидан В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факультетининг ҳинд филологияси кафедрасининг старший ўқитувчиси ўртоқ А. П. Буянов «Ҳиндистон республикасининг ўн йиллиги» деган темада суҳбат ўтказди. Ўқитувчи тамошабинларга дўст ҳинд халқининг муваффақиятлари тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Фестиваль кунларида «Танишув», «Мунна» ва бошқа бадиий фильмлар кўрсатилади.

Ҳинд фильмлари фестивали пойтахтимиздаги «Искра» «Навоий», «Ватан», «Комсомол 30 йиллиги», «Спутник» ва «Ўзбекистон» кино театрларида ҳам ўтказилмоқда.

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ҚАРДОШЛАР САМАРҚАНДДА

САМАРҚАНД, 22 январь (ЎзТАГ). Бугун Самарқанд меҳнаткашлари азиз меҳмонлар — Ўзбекистонда ўтказилаётган Озарбайжон адабиёти ҳафталиги қатнашчиларини тантанали суръатда кутиб олдилар. Делегация аъзолари қадимги ўзбек маданиятининг ёдгорликларини кўздан кечириб, сўнгра Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат университетида бўлдилар.

Кечқурун университетнинг акт залида катта адабий кеча бўлиб ўтди. Зал партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан, студентлар, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари билан, донгдор пахтакорлар, саноат ишлаб чиқаришининг илғорлари билан лиқ тўлган эди.

Кечани ўзбек драматурги Назир Сафаров очди. Кечада Озарбайжон адиблари ва санъат ходимлари делегациясининг бошлиғи Меҳти Ҳусайн, университет студенти Барот Бойқобилов, ўзбек шоирларидан Уйғун ва Шуҳрат, самарқандлик шоир Ёзувчилар союзи область бўлимининг секретари Душан Файзиев меҳмонларга қарата табрик нутқлари сўзладилар. Филология фанлари доктори Воҳид Абдуллаев ўзининг ҳар иккала республика халқлари дўстлигига бағишлаб ёзган шеърини ўқиб берди. Озарбайжон шоирларидан Сулаймон Рустамов, Мамед Раҳим, Усмон Саривалли, Тобил Имомбердиевлар ҳам ўз шеърларини ўқиб бердилар.

Саҳнада—львовлик артистлар

Пойтахтимиздаги Округ офицерлар уйининг концерт залида Львов шаҳрининг эстрада артистлари гастроль концертларини кўрсатмоқдалар.

Конферансье Георгий Кашиер талантли сўз устасидир. У фақат концерт номерларини эълон қилиб қолмасдан, балки ўткир сатирик номерларни ҳам маҳорат билан ижро этади.

Эстрада солистлари Михаил Парфёнов ва Валентина Романовская ижросида тамошабинлар рус, украин ва поляк композиторларининг кўпгина қўшиқларини мароқ билан тингламоқдалар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари, эстрада устаси Григорий Житников оригинал жанрлардан мимик этюдлар яратиб, концерт репертуарини анча бойитган.

Программанинг номерлари ҳам, артистларнинг ижрочилик маҳорати ҳам ранг-барангдир.

М. АҲМЕДОВ.

МОҲИР СУТ СОҒУВЧИЛАР

Комсомол аъзоси Ўткура Йўлдошева бундан икки йил бурун ўрта мактабни тугатганидан сўнг ўзи туғилиб ўсган жонажон колхозининг сут-товар фермасида ишлашга қарор қилди. Колхоз правленеси унинг илтимосини ерда қолдирмади. Ўткура сут соғувчи қилиб тайинланди.

Йўлдошева дастлабки кунларданоқ ўз ишига меҳр ва муҳаббат билан киришди. Бу ердаги тажрибали сут соғувчилар билан маслаҳатлашиб меҳнат қилди. Ўз қарамоғидаги соғин сигирларга вақтида ем-хашак бериш билан бирга уларни яхшилаб парваришлади. Кунт билан қилинган меҳнат яхши натижалар берди. У қисқа вақт ичида илғор сут соғувчилардан бири бўлиб етишди. Ўтган йили ўзига бириктирилган 14 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4250 килограммдан сут соғиб олди ва мажбуриятини ортиғи билан бажарди. Шу кунларда у ўз устига янги, оширилган мажбурият олиб, меҳнат қилаётир. Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг ёш сут соғувчиси ўртоқ Йўлдошева етти йилликнинг иккинчи йилида ҳар бош соғин сигирдан камида 5 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган.

Шу райондаги Сталин номли колхозда ҳам ўрта мактабни битириб, сут соғувчилик касбини танлаб олган ёшлар оз эмас. Минаввар Исҳоқова шулар жумласидандир. Бу меҳнатсевар қиз ўтган йили 12 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4300 килограммдан сут соғиб олди. Бу йил янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун курашиб, фидокорона меҳнат қилаётир. **Суратларда: 1. Ўткура Йўлдошева, 2. Минаввар Исҳоқова ўртоқлар.**

А. Имомов ва М. Турсунхўжаев фотолари.

Экиш кампаниясига оид плакатлар

Ўзбекистон Давлат нашриёти кўклам экиш кампаниясига атаб бир қанча плакатлар чиқармоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Мелиқўзи Умрзоқов ва бошқа илғор механизаторларнинг кетмонсиз ишлаш, ҳосилни машинада териб олиш, меҳнатни тежаб, пахта ганнархини камайтириш тажрибаларига бағишланган жуда кўп плакатлар нашр этилаётир. Яқин кунларда қоракўл қўйларни қўзилатиш, ипак қуртини уйғотиш каби муҳим темалардаги плакатлар ҳам тарқатилади.

Булардан ташқари илғор чорвадорлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида серияли плакатлар чиқариш ҳам кўзда тутилади.

О. КАМОЛОВ.

Суратда: Ҳамза номли музика билим юртининг ўқитувчиси С. Холмуҳамедова (ўнгда) ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимининг студенти З. Хатамбоевага дутор машқини ўргатаётир.

М. Нуриддинов фотоси.

Бизга ёзадилар

КОЛХОЗДА МАКТАБ-ИНТЕРНАТ

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениесининг собиқ биноси бўшатилиб, яқинда мактаб-интернат ташкил этилди. Интернат зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб берилди. Ётоқхона етарли миқдорда кровать, кўрпа-ястиқлар билан таъминланган. Ўқувчилар учун янги қишлик кийимлар ҳам олинди. Ҳозир шу ерда 100 дан ортиқ 7 — 11 ёшдаги ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Ч. Илёсов.

ҲАВАСКОРЛАР МАДАНИЙ ХИЗМАТДА

Чиноз район маданият уйи ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлар тўгараги аъзолари район колхозларига намунали маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Ҳаваскорлардан иборат махсус концерт бригадалари тез-тез колхозларга чиқиб концерт бериб туришади. Яқинда концерт бригадасининг бири «XXI партсъезд» колхози аъзоларига катта тамоша кўрсатди. Ҳаваскорлар ижросидаги ўзбек халқ қўшиқ ва рақслари колхозчиларга жуда манзур бўлди.

Р. Қодирқулов.

17 ТЎГАРАК

Тошкентдаги 1-мактаб-интернатда 500 бола тарбияланаётир. Бу ерда улар билим олиш билан бирга, турли тўгарак машғулотларига ҳам қатнашиб, ҳунар ўрганишади. Яқинда янги духовой оркестр коллективи ташкил қилиниб, тўгараклар сони 17 га етказилди. Оркестрга тажрибали мутахассис раҳбарлик қилаётир. Ҳозир болалар оркестри кўпгина куй ва қўшиқлар ижро этишни ўрганиб олди.

Я. Мордухаев.

Студентлар ишчиларга ёрдам бермоқдалар

Ўрта Осиё политехника институтининг юқори курс студентлари томонидан «Ташсельмаш» заводида ташкил этилган техника билимларини ошириш тўгаракларида машғулотлар тугади.

Ўзбекистон пойтахтидаги бу йирик корхонанинг 60 ишчиси бир неча ой давомида техника тараққиётининг энг янги ютуқлари ҳақида лекциялар тинглади. Студентлар металл технологияси ва машинасозлик черчениеси бўйича назарий машғулотлар ўтказдилар. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳақида лекциялар ўқиш учун заводнинг тажрибали инженерлари жалб этилди. Квалификация комиссияси тўгаракларнинг ишига юксак баҳо берди. Тўгарак қатнашчиларининг деярлик ҳаммаси ўз ишчи разрядларини оширдилар.

Ҳозир тўгаракларнинг состави янгиланди. Эндиликда ёш ишчилар учун ижтимоий-сиёсий темаларда ҳам лекциялар ўқилади. Яқинда политехника институтининг юзлаб студенти шундай тўгараклар ташкил қилиш учун Тошкентдаги бошқа саноат корхоналарига юборилади.

Пойтахт биринчилиги учун

Шахмат бўйича навбатдаги Тошкент биринчилиги учун ўтказилаётган финал мусобақалар тобора кескин тус олмоқда. Пойтахт чемпиони номини олиш учун бўлаётган бу курашларда республикамизнинг атоқли шахматчилари билан бир қаторда ёш шахматчилар ҳам биринчи марта иштирок этишмоқда.

Мусобақанинг бешинчи турида турнир пешқадамларидан бири — мастерликка кандидат Юсупов 1-разрядли Базикинга қарши ўйинда анчагина қисилиб қолди. Лекин у моҳирона қилинган ҳимоя туфайли аҳволини бараварлаштириш имкониятига эга бўлди. Мураккаб давом этган бу партия кечиктирилди. Бирбрагер билан Шапиро учрашуви биринчисининг ғалабаси билан якунланди. Ильязов Вдовенкони ютди. Мастерликка кандидатлар Хасидовский ва Набирахўжаев партияси дуранг бўлди. Шунингдек Лазарев — Горев учрашуви ҳам дуранг билан якунланди. Қолган партиялар кечиктирилди.

Шундай қилиб, ўтган беш турдан сўнг тўрт имкониятдан 4 очко тўплаган Бирбрагер олдинда бормоқда.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

„Меҳнат“ чи ёшлар муваффақияти

Тошкент область «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти спорт мактабининг ёш сузувчилари Ленинграддан қайтиб келишди. Улар Ленинградда ўтказилган касаба союзлари кўнгилли спорт жамияти Бутуниттифоқ совети биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда биринчи марта қатнашишди. Областимиз ёш сузувчилари бу мусобақаларда бешинчи ўринни эгаллаб, «Буревестник» (Боку), «Локомотив» (Саратов), «Меҳнат резервлари» (Челябинск) ва «Енбек» (Олмаота) каби ёшлар командаларини орқада қолдириб кетдилар.

Шунингдек бу жамиятнинг ёш ватерпалистлари ҳам Ленинграддаги мусобақаларда 9 учрашувдан 5 тасида ғолиб чиқиб, тўртинчи ўринни эгалладилар.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Ҳамма миннатдор

Кўпчиликка жавоб-муомала қилиш, ҳамма харидорнинг кўнглини олиш осон эмас, албатта. Аммо Оҳангарон шаҳридаги матлубот жамиятига қарашли 4-саноат моллари магазини коллективи хизматидан ҳамма ҳам мамнун. Улар харидорлар истаганидек иш тутишади.

Қутбиддин Тошмуҳаммедов қарийб 10 йилдан буён ана шу магазинда мудирлик қилади. Ўтган бу давр ичида ишчан мудир Тошмуҳаммедов ўз вазифасини ҳалол ва сидқидиллик билан бажариши туфайли кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Агар сиз магазиндаги шикоят ва таклифлар дафтарини варақласангиз, унда кўпгина харидорларнинг мудир ва сотувчи Низом Расулев шаънига айтган илиқ ҳурак сўзларини ўқийсиз. Улар магазин мудири коммунист Тошмуҳаммедов ва сотувчи Расулевларнинг намунали хизматларидан миннатдорликларини билдиришади.

Тошмуҳаммедов харидорлар истаб юрган, зарур бўлган моллларга олдиндан заявка беради. Шунинг учун ҳам келтирилган мол узоқ туриб қолмайди. Магазинда товароборот плани суринкасига ошириб бажарилади.

Район матлубот жамияти ўртоқ Тошмуҳаммедовни бир неча марта пул мукофоти ва мақтов ёрлиқлари билан тақдирлаган. Шунингдек, у социалистик мусобақада ғолиб чиқанлиги ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаганлиги учун «Центросоюз» томонидан «Совет савдоси аълочиси» значоги билан ҳам мукофотланди.

И. АҲМЕДОВ.

Телевизор экранида

23 ЯНВАРДА

19.00. Мактаб ўқувчилари учун рус тилида эшиттириш «Гулхан» телевизион журнали.

19.30. Ҳужжатли фильм — «Тўққизинчи баҳор» (ўзбек тилида).

19.50. Сўнгги ахборот.

20.10. Телетамошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт.

20.50. Бадиий фильм — «Шу дунё зўравонлари».

22.25. «Ҳамма липсига рақс тушади» деган эшиттириш.

Редактор ўринбосари:
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/I да **Фурқат**, 24/I да кундуз **Оқпадар**, кечқурун **Тоға-жиянлар.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/I да **Трубадур**, 24/I да кундуз **Богема**, кечқурун **Кармен.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/I да **Фарғона ҳиқояси**, 24/I да кундуз **Ошиқ Ғариб**, кечқурун **Ватан ишқи.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа.** Пахта байрамига бағишланган парад-пролог, **«Айиқлар цирки»** гастролининг давоми. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни 3 марта тамоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

Кўприкдаги одамлар — «ВАТАН» (кеч соат 8-20 минутда). «ИСКРА» кеч соат 5 дан), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 3-20 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кундуз соат 1, кеч 5 ва 9 да).

Уч денгиз оша — «ВАТАН» (кундуз соат 3 ва кеч 5-40 минутда).

Ворис — «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутда).

Турналар учади — «ИСКРА» кеч соат 10-20 минутда).

Пўртана — «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12, 1 яримда ва кеч 10 да). «ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 4 ва кеч 8 да).

Оталар мактаби — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (2-залда кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11-45 минут ва кеч 6-50 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 11-45 минут ва кеч 6-50 минутда).

Танишув — НАВОИЙ номли (кеч соат 6-50 минутда).

Иристон ўғли — «СПУТНИК» (1-залда кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 8-40 минутда).

Юқори табақага кириш йўли — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 1-35 минут, кеч 8-40 минут ва 10 да).

Америка совет балетини олқишлайди (кундуз соат 12 да). **Сукунат оламида** (кундуз соат 1 ярим, 3 ва 4 яримда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Она меҳри — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кеч соат 10 яримда).

Тошкент шаҳар, Қозон кўчаси, Яблочний тупик, 13-уйда турувчи **Жўра Хусановнинг** Тошкент область, Калинин район, Ленин номли колхозда турувчи Мухтабар Ағзамовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01533. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1515.